



# Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 7 февраль, № 26 (4436)

Пайшанба

## ЎЗБЕКISTON — РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5-6 февраль кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз ташқи сийосатида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йили Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда ҳамкорликни олий босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Кремлда бўлиб ўтган яқма-яқма суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги ички ривожланиб бораётган муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига, хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Ислам Каримов ўшбу музокара ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Россияни ишончли стратегик шерик деб билганини, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини кўсак қадрлашини қайд этди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг Россияга мазкур расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бахш этишини таъкидлади. 2007 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган Президент сайловида гапга қоронгани муносабати билан Ислам Каримовни яна бир бор муборакбод этди.

Ўзбекистон ва Россия иқтисодийнинг қарийб барча соҳаларида яқинда ҳамкорлик қилади. Товар айирбошлаш ҳамжи муносибати борасида (2007 йилда бу борадаги қўрсаткич 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ доллари ташкил этди), ички ривожлаш бизнес форумлар, кўрсаткичлар, ҳуқуқматларо комиссияси мажлислари ташкил этилаётгани бунинг ёркин тасдиғидир.

Сийосий соҳада олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик каби эътибор, парламентларо алоқалар ривожланиётганини қайд этиш жоиз. ШХТ, МДХ каби тузилмалар доирасидаги алоқалар фаоллашмоқда. Ўзбекистон ва Россия наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам ҳамкорлик қилади. Ўзбекистоннинг "Форис" полигониди, Россиянинг Краснодар ўлкасида ўтказилган қўшма акселтерро машинлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик ички ривожланиб бораётганидан яна бир далилатдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам амалда. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий махсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатларо дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Ислам Каримов ва Владимир Путин мулоқоти Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари аъзолари иштирокида ўтган кен-



гайтирилган тарихиди музокарада давом эттирилди.

Икки томонлама муносабатлар барча соҳаларда жадвал ривожланиб бормоқда. Россия Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодий шерикларидандир. Ўзаро савдо ҳажми йилдан-йилга ошиб, экспорт ва импортнинг таркиби кенгаймоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб чорак қисми Россия ҳиссасига тўри келади. 2005 йилдан ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи йилига 1 миллиард АҚШ долларига қўлаймоқда. Илгари ижобий салдо Россия томониди бўлган эса, 2005 йилдан Ўзбекистонга ўтган ва ўртача 800 миллион АҚШ доллари ташкил этаётгани диққатга сазовордир. Анбатта, бу кўрсаткичга фақат табиий газ ёки пахта толеси сингари хом ашё савдоси эвазига эришилгани йўқ. Сўнгги йилларда енгил автомобиллар (1,5-2 баробар), полиз махсулотлари ва мевачева (5), полизилен (2), тайёр тўқимачилик махсулотлари (1,4-1,5), трансформатор ва трансформатор подстанциялари (2), паст вольти қурилмалар (1,5) каби махсулотлар экспорт, шунингдек, қурувлар (1,5), ҳаво транспорти (1,7), сэйқлик (1,4) бўйича ва бошқа турдаги хизматлар ҳамжи оряпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга машина ва ускуналар, озик-овқат махсулотлари, кимё саноати махсулотлари ва пластмасса, рангли ва қора металллар (рух, мис, вольфрам, молибден) ҳамда улардан расалган буюмлар (кабеллар) ва бошқа ўтказкичлар, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қўшлар турдаги техника кўсаларини ҳам экспорт қилади. Айни пайтда

ўзаро экспорт-импорт қайдномаларида акс этадиган товарлар ва хизматлар сониди жуда кўп.

Сарможий ҳамкорлик қўламини кенгаймоқда. Бу ҳусусда "Газпром", "Лукойл", "Сокоснефтегаз", "Стройтрансгаз", "Волгабурмаш" каби компаниялар билан ҳамкорликда ёқилғи-энергия мажмуи инфраузулмасини ривожлантириш, геология-қидирув, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш ўринлидир. 2007 йилнинг ноябрида "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилояти ҳудудидаги "Хауаз" газ кони ишга туширилгани бу йўналишдаги салмоқли ютуқлардандир.

Сарможий ҳамкорликнинг ривожини қўшма қорхоналар сониди бораётганидан ҳам биллиш мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда Россия сарможиси иштирокида тузилган беш юздан зиёд қўшма қорхона фаолият юритмоқда. Улар орасида "Петролеумгаз" (кимёвий махсулотлар), "Вим-Билль-Дан — Тошкент" (сут махсулотлари), "Балтимор-Челак" (консерва), "Элиплекс" (тўқимачилик), "Электрополи" (қурилиш материаллари), "Кетусилк" (кимё ва фармацевтика махсулотлари), "Паллада Восток" (ааторлик буюмлари) каби қорхоналар, айниқса, муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини оingan. Россияда эса Ўзбекистон сарможисиди билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма қорхона ишлаб турди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувариди

эришилган келишувлар гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда мумкин омили бўлмоқда. Ўзбекистонда Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ("Росзарубецентр") ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Илм-фан ва маданият намояндалари ҳамда жамоат арборларининг ташаббуси билан 2004 йили Москвада ўзбек халқининг бой тарихий-маданий меросини тартиб қилишни ўзига мақсад қилиб "Ўзбекистон маданияти ва саноати форуми" жағмарининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур жағмарга ташаббус билан турли кўрсаткичлар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. 2006 йили "Иттифоқчилик муносабатлари шариоатида Ўзбекистон ва Россиянинг гуманитар ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Гуманитар ҳамкорлик йўналишида илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар ҳам устуворлик каби эътибор, Тошкентда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани бунга яққол мисолдир.

Ислам Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида кенг қамровли ва кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини юқори баҳоладилар. Айни пайтда Ўзбекистон ва Россия хали иқтисодий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам ишга солинган қўшма илмий-иқтисодий, илмий-техникавий, сарможий ҳамкорликни кенгайтириш,

Россия бозорини саховатли Ўзбекистон заминиди етиштирилган ноз-нематлар билан тўлдирлиш каби мисолларнинг ўзидан бунга ишонч қилиш мумкин. Машинасозлик, автотранспортчилик, самолётсозлик, ахборот технологиялари, коинот тадқиқоти каби соҳалар тақли қилинганди эса имкониятлар янада кўп эканлиги яққол аён бўлади.

Ҳуқуқмат раҳбарларига, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларига ҳамкорликнинг янги йўналишларини очили имкониятларини ўрганиш, мавжуд салоҳиятни тўла ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан вазифа ва топшириқлар берилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати билан Россия Федерацияси ҳуқумати ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда Авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Қўшма баёнотда томонлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичдан мамун эканлиги баён қилинган. Унда Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга бўлган хоҳиш-истаги акс эттирилган. Ҳуқуқмат, томонлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сарможий ҳамкорликни кенгайтириш,

гуманитар соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга келишиб олгани қайд этилган.

Иқтисодий ҳамкорлик дастури икки мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, савдо-иқтисодий алоқалар қўламини ошириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш, биргаликда йирик лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш, агросаноат соҳасида ҳамкорлик қилиш ва таҳриба алмашиш каби кўплаб тадбирларни назарда тутди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Владимир Путин музокаралар очилиқ, ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар. Ташриф асносида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия тараққийига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини янада оширишга, давлатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини ички ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Алоқаларимиз барқарор суръат билан ривожланмоқда. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамкорликнинг янги қирраларини очили учун яқши замин яратмоқда, — деди Ислам Каримов. — Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларни таҳлил этиш, иқтисоддаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш, устувор йўналишларни белгилаб олиш учун яқши имкониятдир.

Владимир Путин бугунги музокаралар икки томонда ҳам ўзаро муносабатларини янги мазмун билан бойитишга иштирокчи эканлигини намоён этишга ташаббус қилди.

Ўзаро товар айирбошлаш қўламини тўбора кенгаймоқда. Ўзбекистонга экспортнинг ўндан бир қисмини, Ўзбекистондан импортнинг қарийб ярмини саноат махсулотлари ташкил этаётди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг мумкин стратегик шериклардан деб биламиз. Бугун қабул қилинган қўшма баёнот иштирокчиларимизнинг муштараклиги бир тасдиқдир, — деди В. Путин.

Москва сафари асносида Президент Ислам Каримов "Лукойл" ОАЖ президенти В. Алюкперов ва "Русал" компанияси директорлар кенгаши раиси О. Дерипаскани қабул қилди. Учрашуварда ёқилғи-энергетика мажмуи ва коччилик борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоятга етди. Таъкидлаш жоизки, ўшбу ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини янада бойитиб, ҳамкорликнинг янги қирраларини очилишга хизмат қиладиган натижалар билан аққулланган иттифоқчилик таъминоти мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далилатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,**  
Тошкент — Москва — Тошкент.  
**Абдувоҳид ТўРАЕВ**  
олган сурат.

## ЎЗБЕКISTON ВА МИСР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 4-5 февраль кунлари Миср Араб Республикаси (МАР)нинг ташқи ишлар вазирлиги Ташқи иқтисодий делегацияси Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа қатор идораларда бўлиб, музокаралар ҳамда учрашувлар ўтказди.

Т. Халил ўз сафари якунида "Жахон" ахборот агентлиги берган интервьюсида таъкидлашча, айни пайтда Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадвал ривожланиб бормоқда. 2007 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Миср Араб Республикасида қилган расмий ташрифи ва мазкур сафар давомида давлат раҳбарлари томонидан эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарганини Т. Халил алоҳида қайд этди.

2007 йил июль ойидан бошлаб Тошкент ва Қоҳира шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани, икки мамлакат ички доиралари вакиллари янги қирраларини очили учун яқши замин яратмоқда, — деди Ислам Каримов. — Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларни таҳлил этиш, иқтисоддаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш, устувор йўналишларни белгилаб олиш учун яқши имкониятдир.

Владимир Путин бугунги музокаралар икки томонда ҳам ўзаро муносабатларини янги мазмун билан бойитишга иштирокчи эканлигини намоён этишга ташаббус қилди. Ўзаро товар айирбошлаш қўламини тўбора кенгаймоқда. Ўзбекистонга экспортнинг ўндан бир қисмини, Ўзбекистондан импортнинг қарийб ярмини саноат махсулотлари ташкил этаётди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг мумкин стратегик шериклардан деб биламиз. Бугун қабул қилинган қўшма баёнот иштирокчиларимизнинг муштараклиги бир тасдиқдир, — деди В. Путин.

Москва сафари асносида Президент Ислам Каримов "Лукойл" ОАЖ президенти В. Алюкперов ва "Русал" компанияси директорлар кенгаши раиси О. Дерипаскани қабул қилди. Учрашуварда ёқилғи-энергетика мажмуи ва коччилик борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоятга етди. Таъкидлаш жоизки, ўшбу ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини янада бойитиб, ҳамкорликнинг янги қирраларини очилишга хизмат қиладиган натижалар билан аққулланган иттифоқчилик таъминоти мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далилатдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини янада бойитиб, ҳамкорликнинг янги қирраларини очилишга хизмат қиладиган натижалар билан аққулланган иттифоқчилик таъминоти мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далилатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,**  
Тошкент — Москва — Тошкент.  
**Абдувоҳид ТўРАЕВ**  
олган сурат.

лари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Халқ ҳўжалигининг турли соҳалари вакиллари учун маънавий равишда ташкил этиб келаётган МАР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДХ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жағмараси ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришни мўлжаллаётганини таъкидлади.

Т. Халилнинг сўзларига қўра, таълим, фан ва маданият, шунингдек, сэйқлик соҳаларида икки мамлакат ҳамкорлигини янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда мўҳим омили бўлиб хизмат қилади.

«Сизнинг мўқаддас заминингиз ўзининг буюк донишмандлари ва олимлари, шунингдек, ислом меъморчилигининг бетақор тарихий обидалари билан дунёга машҳур, — деди МАР ташқи ишлар вазирлиги раиси Т. Халил. — Ўзбекистон аслол давомида дунё ва ислом цивилизациясини ривожиди муҳим роль ўйнаган илм-фан ва маданият маркази бўлган. Аҳмад ал-Фарғоний, Мухаммад ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб ўзбек олим ҳамда донишмандлари амалга оширган илмий кашфиётлар Миср фани ва маданияти ривожига улкан таъсир кўрсатган.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлиги менга жуда яқин таниш эди. Юртингизга ташрифингиз чоғида бунга ўз қўшим билан қўриб, яна бир бор ишонч ҳисол қилдим. Бу ерда ташрифингизнинг илк дақиқаларидан менга гўё она Ватанимда юрганди бир ҳиссийат чўлгаб олди. Шу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига фаровонлик, тинчлик ва гуллаб-яшнашдек энг эзгу тилақларини изхор этаман».

**Ж. МУТАЛОВ,**  
**Ғ. ШУКУРОВ,**  
«Жаҳон» АА.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруvinинг йилгилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилот томонидан 2007 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби этилиб, 2008 йил — Ёшлар йилига оид вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова бошқарган йилгилишда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақўлгонистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахт хотин-қизлар қўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилик, махалла фаоллари иштирок этди.

Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча жаҳалларда олиб бориладиган ислохотлар жараёнини давомлантиришнинг давлат ва жамяят қурилишидаги фаолиятини янада ошириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, миллат генофондини муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, жойларда, айниқса, қишлоқлардаги аёлларнинг турли соҳалар бўйича билимларини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур Фармонга қўра, юртимизнинг барча маҳаллалари,

**Давоми 2-бетда.**

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати 3-босқич саралаш баҳсларини ҳамкорларимиз муваффақиятли бошлашди.

«Д» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафарда Ливан футболчиларига қарши майдонга тушди. Ёш иқтидорли футболчимиз Одил Аҳмедов томонидан беллашувининг 45-дақиқасида киритилган ягона гол (1:0) юртимизнинг янада очко келтирди.

## ЙИРИК ҚОРХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Жиззахнинг Пахтакор шаҳридаги таъмирлаш-механика заводи ўрнида замонавий рўзгор ва саноат совуқчиқлари ишлаб чиқарадиган йирик қорхона қурилиши бошлаб юборилди.

Республика «Капитал инвест-сервис» ҳусусий қорхонаси бошлаган ўшбу хайрли ташаббус Россия, Хитой, Украина ишбилармонлари томонидан қўллаб-қувватланди. Айни пайтда бу ерда юз нафарга яқин курувчи ва чилангарлар меҳнат қилмоқда.

Дастлабки махсулотларни биринчи ярим йилликдаёқ савдога чиқариш кўзда тутилган. Келгусида совуқчиқлар экспорт ҳам қилинади.

Иил охирига қариб 500 нафардан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланади.

**Б. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МАМЛАКАТ БУЙЛАБ

Жалакудукдаги «Подшипник» очик акциядорлик жамятини ишлаб чиқилган дастур асосида қайта жиҳозланди. Яъни, Россиянинг «Техник» маъсулияти чекланган жамяти билан ўзаро алоқа ўрнатилди.

## ДАСТАБКИ БУЮРТМАЛАР САЛМОҚЛИ

Самара шаҳридаги «СПЗ-4» қорхонаси билан ҳамкорликда «SPZ-BEARINGS» қўшма қорхонаси ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш қувватларини яқши солиш, бозор талабларига тўла жавоб берадиган махсулотлар ҳажмини қўлайтириш, сифатини яқшилаш имконини берди.

Қорхона аҳли янги йилни Олмалик кон-металлургия комбинатидан жорий йилнинг биринчи ярим учун икки миллиард сўмлик буюртма олиш билан бошлади. Бундан ташқари, «Пўлат-созларга «Тошкент трактор заводи», «Ўзбеккумир», «Ўзбек-қишлоққош», Бекобод тоғ металлургия комбинати, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясидан ҳам қатор буюртмалар тушди.

**О. ШОДНОМАНЛИВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МАҚСАД — МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КўПАЙТИРИШ

Ўтган йили Самарқанд вилоятида 21 та янги қўшма қорхона ишга туширилди. Умумий лойиҳа қиймати 150 минг АҚШ долларида иборат бўлган, Ургут туманидаги «Сам-Полен-Текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма қорхонаси шундай қорхоналардан бири.

Мазкур қорхонанинг замонавий дастгоҳларида айни пайтда ойига 25 тоннадан полипропилен иглари ишлаб чиқариляпти. Дунямий иш билан таъминланган 25 нафар ишчи ана шу дастгоҳларни бошқариб, махсулот сифатини таъминляпти.

Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд-Техмагмат» Ўзбекистон — Корея қўшма қорхонасида эса тўқимачилик матоларига бўёқ бериш билан шуғулланилади. Янги йилнинг дастлабки ойида бу ерда 7,5 миллион погон метр тўқима мато бўялиб, харидорларга етказиб берилди.

Мазкур қорхонада бугун 80 нафар ишчи меҳнат қилапти. Қорхонани молиялаштиришга жами 1430 минг АҚШ доллари сарфланганди. Унинг 800 минг доллари тўғридан-тўғри инвестиция киритилди билан ҳал этилди.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мазкур қорхонанинг замонавий дастгоҳларида айни пайтда ойига 25 тоннадан полипропилен иглари ишлаб чиқариляпти. Дунямий иш билан таъминланган 25 нафар ишчи ана шу дастгоҳларни бошқариб, махсулот сифатини таъминляпти.

— Депутат қандай бўлмоғи керак? Бу савол мени кўп ўйлантиради, — дейди Шахрихон туманидаги 54-мактаб директори, туман кенгаши депутаты Комила Кўчқорова. — Биз кундалик юмушлар билан ўралашиб қолсак, сайловчиларимиз билдирган ишончи оқлаш оламизми, зиммамиздаги масъулияга шунчаки ёндашган бўлмайми? Аксинча, олдимишга аниқ, кўлами кенг, ҳар жиҳатдан асосланган, ҳаётий заруратга айланган масалаларни қўймоқ, уларнинг амалдаги рўйи учун курашмоқ лозим.

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

— Яна бир муҳим жиҳат, — дея мулоҳаза билдиради суҳбатдошимиз, — ҳар бир депутат ўз округида яшовчи фуқаро билан яқин алоқада бўлмаса, ҳамкорлик қилмаса, кутилган натижага эришилмайди. Нега деганда, одамлар юрагида тўпланиб қолган гапларни, мавжуд муаммоларни самимий мулоқотлар чоғида ўртага ташлайди. Ва сиздан натижасини кутди. Депутатнинг обрўсиам, нуфузиам шунда.

Комила Кўчқорованинг ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашуви яқиндагина бўлиб ўтди. Сўзок, Абдубий, Кумқайроқ маҳаллаларидан жам бўлган 240 нафардан ортиқ сайловчи Комила Кўчқоровадан ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича мукамал жавоб олдилари келди.

— Кўшни қишлоқларнинг янги маҳаллаларига газ қувурлари тортилганлигини эшитиб ҳавас қилдик, — вазминлик билан гап бошлади Абдубий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Кўзиёв. — Биласиз, маҳалламизга ҳали газ етиб келмаган. Шу масалада ёрдам берилса яхши бўларди-да.

— Тегилиши идоралар билан маслаҳатлашганми, — жўяли жавоб қилди депутат. — Бунинг учун салкам уч ки-

микдорда микрокредит ажратилган. Қўрилатган чора-тадбирлар, албатта, самарасини беради.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар кенгаши депутатлари "Ватаннинг чин фидойиси бўлайлик" шioriни ўртага ташлаб, депутатларнинг ҳар бири икки-тадан маҳаллани тасарруфи-

лометр масофадаги газ қувури таъмирлангани керак. Ўрмонбек-Абдубий қишлоқларига газ олиб келиш учун 15 миллион сўм маблағ талаб этиларди. Бу масала ҳал бўлди.

— Ичимлик суви масаласиниям бир ўйлаб кўриш керак, — деди яна кимдир.

### ▼ Маҳаллий кенгашларда

— Тоза ичимлик сувидан нолийдиган жойимиз йўқ, — жавоб берди Комила Кўчқорова. — Тўғри, вақт ўтиши билан баъзи жойлардаги қувурлар эскириб, занглаган. Уларни янгилаш учун ўттиз миллион сўм ажратилди.

Сайловчилар ҳуқуқат томонидан ажратилган микрокредитлар, янги иш ўринлари яратиб борасида нималар қилинаётгани билан кизиқдилар. Депутатнинг айнан шу масала ечимини топиш учун маҳаллий ҳокимликлар билан бамаслаҳат иш юритаётгани кўл келди. Жавоблар лўнда, мағзи тўқ бўлди.

— Савдо, маиший хизмат, хунармандчиликни ривожлантириш, қишлоқларда сервис хизматини йўлга қўйиш орқали 223 ишчи ўрнини вужудга келтириш кўзда тутилмоқда. Хонадонларда чорвачилик, паррандачиликни раванқ топтиришга 150 миллион сўм

ўрганиб чиқилди. Депутатларга икки-учтадан маҳалла бириктирилди.

Давлатимиз томонидан олға сурилатган вазифаларни тўлақонли тушунадиган, турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган, ҳаётнинг пасту баландини яқин англайдиган, энг муҳими, одамларни тўғри йўлга етаклай биладиган халқ депутатларининг омма орасига кенгроқ ва кўпроқ кириб бораётгани, ҳар бир хайрли ишга бош-қош бўлаётгани кубонарли, албатта.

16-9 Қори Шахрихон сай-Бунёдкорлик ишларининг олдинги сафида эл-юрт ишончини оқлашга интилаётган меҳнатқаш, билимдон, янгиликларни тез илғаб олаётган фидойи депутатлар турганини халқ кўриб, билиб турибди. Фуқаролар билан ҳокимиятнинг бир-бирига боғлаб, жиқлаштирувчи депутатлар бор экан, халқ билан ҳамнафаслик барқарор бўлаверди.

лов округидан туман кенгашига депутат Фазлиддин Раҳимов фаолияти билан яқиндан танишсангиз, ишни маҳалла гузарини ободлаштиришдан бошлаганига ғувоҳ бўласиз. Бўш турган биноларда учта савдо, 2 та маиший хизмат шохобчаси ташкил этилди. Маҳалладаги 3 та мактаб, болалар боғчаси, ҚВП бинолари таъмирдан чиқарилди.

Ўтган вақт оралиғида депутат ўз сайловчилари билан ўн икки марта очиқ мулоқот ўтказди. Минг нафарга яқин фуқаро иштирок этган учрашувлар чоғида улардан кўплаб сўровлар тушди. Қўриланган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Фуқаролар йиғини биносидан алоҳида қабулхона ташкил этилган. Ҳар ойда икки марта сайловчилар қабули йўлга қўйилган. Депутат тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, касаначиликка кенг йўл очиб, миллий хунармандчиликка эътибор қаратиш хусусида тўлиб-тошиб гапирди.

Маълумки, халқ депутатлари кенгашларида доимий комиссияларнинг фаолияти муҳим ўрин тутди. Лекин уларнинг айримлари тўлақонли фаолият кўрсатаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалик масалалари, маҳаллий солиқ, йиғимларни белгилаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал ҳўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг ишида жонланши сезилмаётди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

қишлоқ фуқаролик йиғинлари, овуларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатаётгани оилаларда, маҳаллалардаги маънавий муҳитни сақлашда, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда аёллар учун янги иш ўринлари барпо этиш, уларни иш билан таъминлаш, касаначиликни, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ишбилармон аёллар учун республикамиз тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишга катта эътибор қаратилаётди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ, республикамизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилгани, янги иш ўринлари барпо этилиб, кўплаб аёллар иш билан таъминлангани, юртимиз тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш ишларига 2007 йилда ажратилган маблағлар миқдори аввалги йилларга нисбатан анча юқори экани бунинг ёрқин далилидир.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш қўмитанинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан ўтказилган «Тўмарис аёллар» республика спорт фестивали, сузиш, бадий гимнастика, югуриш бўйича мусобақалар, турнирлар, хотин-қизлар ўртасида спорт мураббийларини тайёрлашга доир анжуманлар, семинар-машулотлар аёлларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун пухта замин яратмоқда.

Йиғилишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, бу борада қўмитанинг турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 2008 йил — Ёшлар йилига доир фаолият режаси белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



## ЯНГИ АВТО ЙЎЛ ОЧИЛАДИ

Натижада йўл, вақт, маблағ тежалади

Истиқлол йилларида диёримизда бошқа соҳалар қаторида йўлсозликка жиддий эътибор қаратилмоқда. Кўплаб ички автомобиль ва темир йўллар тўдан таъмирланиб, халқаро андозаларга мослаштирилди. Ўз навбатида, талай янги йўналишлар очилди. Айни кезларда Гулистон ва Охангарон шаҳарлари ўртасида ҳам йirik автомагистраль қурилиши бошлаб юборилди.

Авалло, шунки таъкидлаш жоизки, мазкур ишнинг Президентимизнинг 2007-2010 йилларда умумийфойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилиши ривожлантиришга оид тегишли қарорларига мувофиқ, халқаро «Буюк Ипақ йўли» лойиҳаси доирасида барпо этилмоқда. «Йўллойиҳаборо» масъулияти чекланган жамияти тайёрлаган режага кўра, у тежик нуқта назардан биринчи тоифага кирди.

Сирдарё вилоятининг Мирзобод, Сайхун-обод ва Сирдарё, Тошкент вилоятининг Оқўрғон, Бўка, Покент туманлари ва Олмалиқ шаҳрини қамраб ўтади. Узунлиги 111 километрни ташкил этади. Унинг 65 километри янгидан барпо этилади. Охангарон шаҳрига етганда, «Камчик» довозига элтувчи «Тошкент — Ўш» катта йўли билан туташади. Бундан ташқари, магистраль бўйлаб 29 та йўл ўтказгич, 121 та сунъий иنشот қад ростлайди. Эзгу мақсадни тўла-тўқис рўйбга чиқариш учун 611 гектар ер, 116 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳақли савол туғилади: ҳўш, «Гулистон — Охангарон» автйўли мамлакатимиз ҳаётида қандай ўрин тутайди? У фойдаланишга топширилган ҳўш, биз республикамизнинг жанубий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида жойлаган вилоятларимизни Фарғона vodiиси билан боғловчи яна бир тежик-равон, гўзал-кўркем транспорт йўналишига эга бўлаемиз. Бу манзиллар сари сафарга олтанган турли русумли юк ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг хоэиргидек Бахт, Сирдарё, Чиноз, Янгийўл, Тошкент шаҳарлари, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Охангарон туманлари орқали қатнашига ҳожат қолмайди. Чўлқувлар ва темирчилар диёри оралиғидаги масофа салкам 80 чакиримга қисқаради. Бу билан вақт, қимматбаҳо ёнилғи-мойлаш материаллари анча тежалади. Автоуловлар

моторининг умри узайиб, шиналари ва эҳтиёт қисмларининг ейилиши камайди. Рақамлар тили билан айтсак, бу омилар натижасида йилига қарий 18,5 миллиард сўмлик маблағ иқтисод қилинади.

Янги трасса шарофати тўфайли, шунингдек, Тошкентни ёқалаб ўтадиган йўлдаги транспорт оқими бирмунча сийрақлашиб, қатнов осонлашади. Пойтахт ва унга бақамти шаҳар-қишлоқлар ҳаволи ифлосланганлигининг олди олинади. Қолаверса, мазкур автомагистраль Европа ва Осиё давлатларини боғловчи йўллардан саналади. Бинобарин, келгусида ўз махсулотларимизни хориқга чиқариш ва ички бозоримизни импорт моллар билан бойитишга ҳам катта улуш қўшади. Мутахассислар ҳўсб-китобиға

кўра, 2030 йилга бориб, ундан 11,5 миллион тон-

нага юк ташилади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — қурилиш шарофати билан йўл атрофи ободонлаштирилиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи кўйиш, умумуоқлатиш тармоқлари ва бошқа шохобчалар тикланади. Натижада, кўплаб ҳамкорларимиз доимий иш ўрнига эга бўладилар.

Ана шундай кенг кўламли ва истиқболли янги қурилишга Молия вазирлиги қошидаги Йўл жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси бюротмачи, «Узавтйўл»нинг «Автомагистраль» иختисослашган автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси эса бош пулратчи этиб тайинланган. Уларнинг сай-ҳаракатлари тўфайли бугунга келиб, иنشотнинг Сирдарё вилояти ҳудудидаги қисмида бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди.

— Режага мувофиқ, бу автотрасса уч йил мобайнида барпо этилади, — дейди йўналиш қурилиши бошлиғи Комилжон Қосимов. — Ҳозир турли касб эгаларидан жамланган салкам 600 кишилик масъулиятли ҳамда шарофли вазифани белгилаган мундлатда, сифати қилиб бажариш учун бош кун-ғайратини аямаятир. Бу борада бизга Сирдарё вилояти «Автойўл» бошқармаси ишчи-хизматчилари, бой тажрибага эга тошкентлик кўприксозлар, «Қўйи Сирдарё» гидромелиорация экспедицияси мутахассислари, газчилар ва маҳаллий тадбиркорлар ҳам яқиндан ёрдамлашаётдилар.

Йўл қурган, кўприк солган кишиларни халқимиз доимо қадрлайди. Улар халқимизнинг дуосини олишдан ташқари, келгуси авлодларга ҳам хизмат қиладилар. «Гулистон — Охангарон» автомобиль йўлини қуриш ташаббусини бошлаб берганлар, лойиҳасини яратганлар ва уни амалиётга изчил таътиқ этаётганлар шундай юксак ҳўрмат-эътиборга сазовор инсонлардир.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Кашкадарё томонлари

Қарши Давлат университетига вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳокимликлари, жамоатчилик вакилларининг талабалар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

### Талабалар билан дейдорлашув

Бундан кўзда тутилган мақсад талабаларнинг ўқиб ва яшаш шароити билан яқиндан танишиш, аьлочиларни рағбатлантириш, кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, университетни битириб борадиган ёш мутахассисларга талабгорларни аниқлашдир.

Мулоқот чоғида таълим масканлари учун малакали кадрлар захирасини тайёрлашда олиий ўқув юрти билан туман ҳокимлиги ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик яқини самара бераётганлиги алоҳида таъкидланди.

### Узумчилик — кони фойда

Китоблик тажрибали боғбон Азамат Бердиев раҳбарлик қиладиган «Буржон Латипов» фермер ҳўжалиги «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан ўтказилган танловнинг фойли бўлди. Бунга ўтган йили 6,6 гектар тоқзордан 250 тонна узум йиғиштириб олгани, шунинг эвазига 16,8 миллион сўм фойда кўлга киририлгани тўфайли эришилди. Узумчиликдан келган соф даромад тармоқини янада ривожлантириш учун йўналиш берилмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## ХУНАРМАНДЛАР СУЛОЛАСИ

Шахрихон туманидаги «Терактаги» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда умргузаронлик қиладиган Иброҳимжон ака ва Раҳбархон опа оиласини кўпчилик «хунарманд Қодировлар сулоласи» деб атайдди.

Бу бежиз эмас. Чунки уларга хунармандчилик ота-боболаридан мерос. Муҳими, бу аьнана авлоддан-авлодга ўтиб бораётганидир. Ҳозирда ушбу оиладан 2 ўғил қосиболди, 2 қиз эса чеварликда ном қозонган. Хонадон келини Зилолаҳон эса маҳалла қизларига дўппидўзлик сирларини кунт билан ўргатмоқда. Улар тиккан «чуст», «свтора», «андижонча» каби дўппи нусхалари ҳамisha харидоргир.

СУРАТДА: Зилола Холматова шогирдлари Мадина Акрамова, Насиба Ботирова ва Дилдора Қодировага дўппидўзлик сирларидан сабоқ бермоқда.

Хурсандбек АРАББОВ олган сурат.



### ▼ Аьнана

## МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ҚУДРАТБАХШ КУЧИ



— Бангладешда ҳам пахта етиштирилади, уни қайта ишлаш заводларининг ҳам бор. Шундай бўлса-да, бизда ўзбек пахта-сига, унинг толасига талаб ниҳоятда юқори. Нега деганда, тўқимачиликда пахта толасининг сифати улкан аҳамиятга эга. Узининг сифати ва тишқилиги билан аллқачон ҳамкорлар ишончини қозонган ўзбек толасига ҳақон бозорида талаб ортиб бораётганининг сабаби шунда.

Дарҳақиқат, бугун нафақат ўзбек пахтаси, аниқроғи, толаси, балки ундан тайёрланган, ҳақон андозалари талаблари даражасидаги махсулотлар дунё бозорига ўз харидорига эга. Қувонарлиси, бугун четта сотилаётган бу махсулотлар ичида тайёр кий-

Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда IV Халқаро тўқимачилик конференциясида иштирок этган Бангладешнинг «Mahmud Group» компанияси раҳбари Гази Маҳбубул Алам мамлакатимиз пахтачилик тармоғи, пахта ни қайта ишлаш саноати ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деган эди:

— Бангладешда ҳам пахта етиштирилади, уни қайта ишлаш заводларининг ҳам бор. Шундай бўлса-да, бизда ўзбек пахта-сига, унинг толасига талаб ниҳоятда юқори. Нега деганда, тўқимачиликда пахта толасининг сифати улкан аҳамиятга эга. Узининг сифати ва тишқилиги билан аллқачон ҳамкорлар ишончини қозонган ўзбек толасига ҳақон бозорида талаб ортиб бораётганининг сабаби шунда.

им-кечакларнинг ҳажми йил сайин ошиб бораётди. Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акцидорлик компанияси томонидан 2007 йилда 401 миллион АҚШ доллари миқдорида махсулот экспорт қилиниб, тайёр буюмлар ҳажми аввалги йилдагига

нисбатан 20 фоиз ўсди. Бу кўрсаткичга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қаторида иқтисодиётимизнинг йirik тармоғи — энгил саноат ва тўқимачиликни ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган изчил ислохотларнинг мевасиди бу. Негаки, бундан 15-20 йил олдин мамлакатимизда, атиги тўртта тўқимачилик корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг қайта ишлаш қуввати ниҳоятда паст эди. Шу боис, ўша йилларда етиштирилган пахта оша ашёсининг 7 фоизгиниси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланиб, қолган қисми сувтекин нарҳда четга чиқарилар эди. Бугун-чи?

Бугун талаб ҳам, иш тарзи ҳам тамомилан бошқача. Устувор мақсад — пахта оша ашёсининг асосий қисмини ўзимизда қайта ишлаб, четга тайёр ва ярим тайёр махсулотлар чиқаришдир. Бунга эришиш йўлидаги сай-ҳаракатлар истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юборилган эди. Айни пайтда биргина «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида 200 га яқин қайта ишлаш субъектлари фаолият қўрсатаётди. Уларда қайта ишлаётган хом ашё миқдори, тайёрланаётган махсулотлар ҳажми ҳам

чакана эмас. Айтايлик, фақатгина 2007 йил давомида 655,9 миллиард сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилди, бу борада ўшш 153 фоизни ташкил этади. 138,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди. Бундан ташқари, 170,4 минг тонна калава ип, 135,4 миллион квадрат метр ип-газлама, 46,8 миллион дона трикотаж буюм, 3,23 миллион жуфт пайпоқ, 11,2 миллион ард сўмлик тикув буюмлари ва бошқа кўплаб турдаги энгил саноат махсулотлари ишлаб чиқарилдики, бу юртимиз аҳолисининг ана шу махсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 13 ноябрдаги «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш дастури тўғрисида»ги қарори, айнисқа, тизимда бутунлай янги даврни бошлаб берди. Сабаби, ушбу ҳужжатта шиноан, тўқимачилик тармоғига хориж инвестициясини жалб этиш, корхоналарни техник жиҳозлаш ва модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастурга мувофиқ, ушбу йиллар ичида соҳага 476,7 миллион АҚШ доллари миқдо-

рида хориж сармояси жалб этиш, 66 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати, айни пайтда, янги лойиҳа асосида 37 та корхонада махсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Учкўприк туманидаги «Хўмо уч» акцидорлик жамияти — шулардан бири. Мустақилликимизнинг 16 йиллик байноси арафасида фойдаланишга топширилган бу корхона юқори нуумли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда йилига 4 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Махсулотнинг асосий қисми, яъни 6 миллион АҚШ долларилик калава ип экспорт қилиниши мўъжалланмоқда.

Шу билан бирга, компания мутахассисларининг айтишича, тизимда яқунланган йилда 23 та янги корхона қайта туширилди. Натижада ишлаб чиқариш сурьати кескин ошиб, қарий 10 мингта янги иш ўрни очилди.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳит яратилиб, хориқлик ҳамкорларга бир қатор имтиёزلар берилётгани, табиийки, энгил саноат тизимида корхоналар тобора қупайишига хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда дастурга кирган 11 та обьектда хориқ сармоясини жалб этиш бўйича лойиҳалаштириш ишлари олиб бо-

риладиган бўлса, қолган 18 та корхонада зарур технологик жиҳозларни келтириш, уларни ўрнатиш ишлари авж олдирилган. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, янги иنشотлар жорий йил охиригача тўлиқ ишга туширилади. Ана шунда тизимда 21 мингтадан зиёд иш ўринлари очилиб, экспорт ҳажми 386,3 миллион АҚШ доллариға ортади. Шунингдек, қўшимча равишда 173,2 минг тонна калава ип, 45,9 миллион погон метр ип-газлама, 66,8 миллион дона трикотаж буюм, 8,6 миллион жуфт пайпоқ ва яна бир қанча турдаги махсулотлар ишлаб чиқариш имкони вужудга келади. Бу «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрғини остида юқори сифатли халқ истеъмоли молларининг ҳақон бозорига чиқибки янада қупайишидан далолатдир.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ишларининг изчил амалга ошириладигани, кўплаб янги қувватларнинг фойдаланишга топширилганлиги ихобий ютуқлар омили бўлаётди. Пировавҳудда, бу мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган, майдони 1005,8 кв.м. бўлган бетон ишлаб чиқариш цехи.  
Бошлангич нархи — 67 620 606 сўм.

Избоскан тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ошхона биноси ва иншоотлари.  
Бошлангич нархи — 146 685 000 сўм.

Олтинкўл туманидаги «Савдо осмони» хусусий корхонасига қарашли автомобилларга ёниги қуйиш шохбаси бино иншоотлари ва техникалари.  
Бошлангич нархи — 41 770 220 сўм.

Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл» шўъба корхонасига қарашли «ДСХ-50 кг» русумли тарози — 1 тўплам, элеватор норияси — 1 тўплам, 3 тонна тарози — 1 тўплам, ёғ тозалаш (рафинаторная) ускунаси — 1 тўплам, ёғ қуриши ускунаси — 1 тўплам, 1 та «LG T1717B» русумли компьютер, 1 та «CANON LBP-2900» русумли принтер, 4 та шкаф, 10 та стул, 5 та галадонли стол, 1 та компьютер столи, 10 та 25м³ ҳажмдаги сифимлар, 1 та сейф, уруғчилик омбори биноси, маъмурий бино, ободонлаштириш мажмуи, устакхона биноси, ишлаб чиқариш цехи биноси, майиш бино, ўсимлик ёғи сақлаш сифимлари, саралаш иншооти, чикинди омбори, қозонхона, электр тармоқлари, муҳандислик тармоқлари ичидаги барча иншоотлари билан.  
Бошлангич нархи — 206 018 152 сўм.

Андижон туманидаги «Куйганёр темир бетон буюмлари» корхонасига қарашли маъмурий бино, шағал саралаш цехи биноси, нуктали пайвандлаш цехи биноси, лаборатория биноси, компрессор биноси, 35,8 п/м 550 мм. транспортёр лента, 39,4 п/м 650 мм. транспортёр лента, 32 та ролик, 3 та 5 кВт двигателлари, 7 та 7,5 кВт двигателлари, 2 та 10 кВт двигателлари, 1 та 15 кВт двигателлари, 1 та 2,8 кВт двигателлари, 7 та конвейер, «ШД-741» русумли майдалагич, «КМД-561» русумли майдалагич, «Грохот ГИЛ-42» русумли элак, классификатор, 1 та классификатор печка, 1 та қабул қилиш bunker печкаси, 30 п/м лента-800, 100 п/м лента-650, 120 та ролик 1=25, 180 та ролик 1=25, 5 та «РЦД-350» русумли редуктор, 3 та «РМ-500» русумли редуктор, 4 та етакчи (ведущий) барабан б-1200, 3 та етакчи барабан б-1200, 7 та етакчи барабан, 1 та «ШД-741» русумли майдалагич (дробилка), 1 та «КМД-561» русумли конус майдалагич, 1 та «Грохот ГИЛ-42» ва 1 та «С-130» русумли бульдозер.  
Бошлангич нархи — 163 900 000 сўм.

2. ЖИБ Андижон туман судининг 2007 йил 5 апрелдаги 1-24-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган, Андижон шаҳри, А. Фитрат кўчаси, 256-уйда жойлашган, умумий майдони 12767,13 кв.м., қурилиш майдони 5916,03 кв.м. бўлган тикучилик фабрикасининг ишлаб чиқариш биноси ва иншоотлари билан.  
Бошлангич нархи — 516 263 309 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 19 февраль кунин соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу мазмундаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2008 йил 2 февралдаги 10-сонида чоп этилган.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

Лицензия: ДВ 001 № 000004



## КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Тўрақўрган туманида томорқа хўжалигидан фойдаланиш борасида ўзига хос тажриба тўплаган. Кўпчилик хонадонлар ҳовлиларидаги мўъжазгина боғ, ойнаванд экинзорда йил бўйи мева-сабзавот етиштириб, оилавий бизнес имкониятларини намойиш этишмоқда.

Масалан, Қатагон Сарой қишлоғида яшовчи Хамидулла Қаюмов икки сотихли иссиқхонадаги лимонларидан 1,5 миллион сўмдан ортиқ фойда олди. У эндиликда мандарин ўстиришни ҳам йўлга қўйди. Бундан ташқари, Қаюмовлар хонадониди

асаларчилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланишади.

«Маҳалла» жамғармаси Наманган вилояти бўлими яқинда ушбу хонадонда кўргазмали семинар ташкил этди. Унга таклиф этилган маҳалла оқсоқоллари, деҳқон хўжаликлари раҳ-

барлари бу ерда томорқа хўжалигини юритиш бўйича тўплаган тажриба билан яқиндан танидишди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУHOFAZA ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ

#### ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ

#### РОССИЯДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУКАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

##### Азиз ватандошлар!

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тобора жадал ривожланиб бормоқда. 2007 йил июль ойида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясида ва Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ва меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги битимнинг имзоланиши республикамиз фуқароларининг Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш масалаларида мустахкам ҳуқуқий пойдеворни яратди.

Бунда аҳамиятлиси шундаки, мазкур битимнинг ижросини таъминлаш бўйича Россия томонидан Россия Федерацияси Федерал миграцион хизмати ҳамда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги масъул этиб таъинланган.

Бу битимнинг тузилгани Ўзбекистон фуқаролари учун Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга оширишлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Россияда ҳимоя қилиш билан боғлиқ меҳнат миграцияси масаласига доир бир қатор афзалликларни белгилаб беради. Жумладан, ҳукуматлараро битим Россияда Ўзбекистондан ишлашга борган фуқаролар учун тегишли хизмат харажатларини Россия иш берувчиси томонидан қоплаб берилишини, оилак маош миқдори айнан бир хил малакга эга бўлган маҳаллий аҳолининг оилак маоши билан тенг даражада белгилаб берилишини, Россияда Ўзбекистон фуқаросининг меҳнат фаолияти туғани билан Россия иш берувчиси томонидан унинг оилак маошлари ва меҳнат фаолияти даври тўғрисида имзоланган ҳамда муҳрланган ҳужжат берилишини, ишлашга борган Ўзбекистон фуқароси Россия иш берувчиси айби билан жароҳатланган ёки вафот этган тақдирда ушбу иш берувчи томонидан Россия қонунчилигида белгиланган тегишли тўловлар тўлаб берилишини ва бу билан боғлиқ

харажатларнинг қоплаб берилишини назарда тутадди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда меҳнат қилишларига қўмақлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда фуқаролари чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Бухоро ва Нукус минтақавий бюролари томонидан амалга оширилши белгилаб қўйилган. Бугунги кунда мазкур идоралар томонидан Россиянинг қатор ваколатли идоралари ва иш берувчилари билан Ўзбекистон фуқароларини ишлашга жалб қилиш ҳамда меҳнат фаолиятларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб борадида музокаралар олиб борилмақда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Тошкент, Бухоро ва Нукус минтақавий бюролари орқали Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг бир қатор кўйидаги афзал томонларини Россияга ишлашга кетадиган фуқароларимиз учун алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин аҳамият касб этади.

**Биринчидан**, Россиядаги иш берувчи томонидан фуқароларимизни ишга жалб қилиш Россияда бўлиш тартиб-қоидаларига ва меҳнат қилиш қўнунчилигига мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда ташкил этилади. Бунда Россияга кириб келган фуқароларимизни ваколатли идораларда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи ишлашга руҳстаноманинг олиниши Россия иш берувчиси томонидан таъминланади.

**Иккинчидан**, Россияга ишлашга юбориладиган фуқароларимиз учун иш шарт-шароитлари, яъни иш жойи, оқват ва яшаш жойи билан таъминлашни; оилак маош миқдори ва уни тўлаш тартиби, тегишли хизмат курсатилиши, ишлаб чиқаришда бахтис ходисадан сугурталаш ҳамда тегишли сугурталаш тартиби Россия иш берувчиси томонидан олдидан маълум қилинади.

**Учинчидан**, агентлик ва Тошкент, Бухоро, Нукус минтақавий бюролари томонидан Россияга ишлашга юборил-

##### Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй, телефон: (8-371) 152-13-61);
- Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси (манзили: Тошкент шаҳри, Коратшо кўчаси, 44-уй, телефон: (8-371) 234-44-13);
- Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Бухоро минтақавий бюроси (манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй, телефон: (8-365) 223-47-55);
- Нукус минтақавий бюроси (манзили: Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 64-уй, телефон: (8-361) 222-58-27).

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ахборот хизмати.

1759/2003

## ТАШКИЛОТ

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. «MAN» русумли автомашинага «С» ва «Е» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчилар.

**Талаблар:**  
- меҳнат стажи — камида 5 йил;  
- ёши 40 дан ошмаган;  
- маош — 200 000 сўм ва ундан юқори.  
Иш Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари билан боғлиқ.

2. Енгил автомашинага «В» ва «С» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчи.

**Талаблар:**  
- меҳнат стажи — камида 5 йил;  
- ёши 25-30 дан ошмаган;  
- маош — 200 000 сўм ва ундан юқори.

Маълумот учун телефонлар: 258-75-94, 258-75-96.  
Маълумотлар (резюме)ни қуйидаги факслар орқали юбориш мумкин: (99871) 150-01-11, 150-11-55, 150-22-55.  
E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ

## ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ

### Мука

#### Пшеничная хлебопекарная 1-го сорта, п-во Казахстан

ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОЕ

#### ДЕЗИНФИЦИРУЮЩЕЕ СРЕДСТВО

не имеет запаха хлора, удобен в применении производство Россия

#### ИММУНОСТИМУЛЯТОР РАСТЕНИЙ

Препарат рекомендуется использовать в качестве иммуностимулятора и стимулятора роста растений, начиная с протравки семян, кончая дефолиацией. Его применение способствует получению дружных и сильных всходов, ускорению роста и развития растений, повышению устойчивости растений к вирусным и грибковым заболеваниям, снижению вредности мелких грызущих-сосущих насекомых.

Предлагаемый препарат проявляет высокую биологическую активность на различных культурах, в т.ч. хлопчатнике и зерновых.

Форма оплаты — безналичный расчет.  
250-83-95, 186-55-55, 775-89-19  
товар сертифицирован

## ЛИНОЛЕУМ

более 50 расцветок  
г. Сыктывкар  
На тепловую изоляционную подоснове  
Ширина — 1,5; 2; 2,5; 3; 3,5 м  
Производство — Россия, Украина

## sanita САНТЕХНИКА

Унитазы, умывальники. Пр-во — Россия (г. Самара)

## КАФЕЛЬ

г. Харьков  
• облицовочный  
• для пола  
Товары сертифицированы

Форма оплаты — любая, включая пластиковые карточки  
Тел.: 232-12-20, 232-18-94, 236-07-77  
(сот.) 175-50-12 E-mail: gammaprod@mail.ru

## ТАКДИМОТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида чоп этилган «Дори-дармон ва истеъмолчи» нашрининг такдимоти ўтказилди.

Таъкидлангани, мамлакатимизда аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмақда. Натихада кейинги йилларда фарма-

шу мақсадга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шунингдек, тадбир доирасида қўмита ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси маъсислигида чоп этилган «Истеъмолчи» газетасининг такдимоти ҳам бўлди.

С. РАҲМОНОВ.

### МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни реконструкция қилиш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Термиз шаҳри, А. Икромов кўчасидаги Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси ҳудудидида жойлашган қурилиш тугалланмаган меҳмонхонани реконструкция қилиш.

Иншоотнинг бошлангич нархи — 189,504 млн. сўм.

Қурилиш муддати — 105 кун.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси.

Манзил: Термиз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 286-уй.  
Телефон: (8-376) 225-13-51. Факс: 225-12-63.

Лойиҳани молиялаштириш Давлат божхона қўмитасининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ва ҳуқуқий лэйқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Уздавархитектурлиш» қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархлари шақллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.  
Тел.: (8-376) 222-44-73. Факс: 222-44-76.

Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 286-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси биносида ўтказилади.

## «ТҶМАРИС ИЗДОШЛАРИ»

Урганч шаҳрида ушбу номда журналист аёллар клуби иш бошлади. Клуб журналист аёлларнинг маънавий қўллаб-қувватлаб, ёш қаламкашлар ўз

### Интилиш

истеъдолларини намоен этишларида қўмақлашади.

Айни кунда клуб томонидан шаҳар мактабларида ёш мухбирлар, шоирлар, ўлкашунослар, компьютер сабоқлари, миллий ғоя ўқув курслари ташкил этилди. Машғулотларда мингдан ортиқ ўқувчилар иштирок этишмоқда.

Келгусида вилоятнинг барча туманларидаги умумтаълим мактабларида ҳам ана шундай курслар ташкил этиш режалаштирилган.

Объект РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

www.solar-ct.com ЖИЛЫЕ ВАГОНЧИКИ SOLAR MASTER

- автономность
- мобильность
- комфорт
- различной модификации

Тел./факс: (99871) 281-41-58, 254-77-19.  
E-mail: solarmaster\_uzb@yahoo.com

Товар сертифицирован

www.solar-ct.com

Drive your way

Тел.: 250-11-11, 250-69-99.  
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.  
Махсус сертификатланган

www.hyundai-motor.com

МАДАНИЯТ

хабарлари

АЁЛ, ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда бўлиб ўтган тadbир шундай номланди.

Маъмур маданият-маърифий кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Миллий тикланиш" Демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган.

Унда мамлакатимиз ёшларига бўлган эътибор, ёш авлоднинг маънавий баркамол қилиб тарбиялашда аёлларнинг ўрни мавзусидаги маърузалар тингланди. Шундан сўнг лицей ўқувчилари ўзларига кўрсатилаётган гамхўрликка жавобан қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикрлашди.

Феруза ОРИПОВА.



АСЛ САНЪАТГА МУНОСИБ БАҲО

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган матолар ва гиламлар халқаро анжуманида ҳамюртимиз ҳам иштирок этди.

У ерда бухоролик Қорғди Жумаевнинг туркиялик ҳамкасби Мехмет Четинка билан ҳамкорликда яратган "Марказий Осиёнинг 99 мафтункор адрас чопони" номли альбом-каталог кўлма-кўл бўлиб кетди.

Гал шундаки, бу тўпламда Бухорода тайёрланган XI-XIX аср хунармандчилигининг энг сара намуналари жамланган. Улар илмий шарҳлар ҳамда Бухоро давлат музей-қўриқхонасидаги фотоҳужжатлар билан бойитилган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ МАДҲИ

Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатган журналист Раъно Зарипованинг "Юрт кўшиқлари" номли тўплами китоб-хонларга тақдим этилди.

Бир муддатгина аввал мазкур асар "Истиклол: замонамиз қаҳрамонлари" танловига ғолиб топилганди. Китобдаги самимий руҳ, ҳаётий воқеалар ва раван тил диққатга сазовор. Унинг ҳар бир қаҳрамони биз билан бирга яшаётган ва меҳнат қилаётган юртдошларимиздир.

Китобдан жой олган "Она юртинг — олтин бешик", "Илм сарчашмаси — миллат кўзгуси", "Тақдир ва тadbир", "Жайхун бўйларига" сингари рунлардаги мақола, эссе, бадиалар кишини мушоҳадага чорлайди. Бугуннинг нафаси, эртанги кун орзу-умидлари, миллий қадриятларимиз тиниқ фикр ва бетакрор бадиият ифодасида ўз аксини топган. Шу маънода, мазкур рисолаи юртимиз раванқига раванқ кўшаётган, ҳар бири тилгаи эзгуликка йўрилган замондошларимизни мадҳ этувчи жўшқин бир асар, дейиш мумкин.


Обгул СҮЮНДИКОВА.

"INTEGRAL ASIA" Новое поступление ноутбуков!!!

Advertisement for Dell laptops, featuring images of Dell Latitude D430 and XPS M1330 models, and text describing the products and warranty.

Тел.: 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

НАВОИЙ ИЖОДИ — ФРАНЦУЗ ТИЛИДА



Мустақилликка эришган, халқимизнинг нақадар бой маданий-маънавий меросга эга эканлигини чуқур ҳис этдик. Фидойи олимларимизнинг кенг тарғибот ишлари тўғрисида эсимизда қолган қанча сиймоларнинг номлари ва меросини кашф этишимиз. Шундай қилиб, бизда миллий ифтихор тушулмаси пайдо бўлди. Мана шу ифтихор туйғуси энди бизни китобхон учун улкан кашфиёт бўладиган аждодларимизнинг ижоди билан бошқа халқларни ҳам таништиришга ундайди.

эди. Негаки, бу — газалларни эски ўзбек тилидан француз тилига ўғришдаги илк тажриба эди. Шунинг учун ҳам ишни Ҳазратнинг газалларини чуқур мутолаа қилиш, ҳар бир сўзнинг маъносини чақиш учун лугатлар тўзиб олишдан бошладим. Тажриба жараёнида яна шунинг аниқлашдики, Навоий газалларини яхши тушуниш учун Куръони Каримни ҳамда Ҳадисларни ҳам етарлича билш шарт экан. Мен бу сўзларни келажакда мазкур ишга қўл уришни истаб қолиши мумкин бўлган ёшлар учун

эслатма сифатида айтайти ўтишни лозим топдим.

Албатта, менинг Ҳазрат Навоий газалларини француз тилига ўғриш истагимга кимдир ажабланиб, яна кимдир шунчаки қуруқ гап сифатида қараганлиги ҳам табиий ҳол. Яна бир орзуим — таржималаримни айнан Францияда чоп этириш эди. «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Бир неча йиллик меҳнатларим зое кетмади. Утган йилнинг ноябрь ойида орзуим амалга ошди. Франциянинг Брест шаҳрида ношир Дидие Лабуш жаноблари ўзининг

Ифтихор

«Жеорама» нашриётида «Алишер Навоий. Газаллар» китобини чоп этгани ҳақида «Халқ сўзи» саҳифаларида хабар қилинган. Таржималаримни француз тилига мослаштиришда эса дўстим Жан-Жак Гате жаноблари бор маҳоратини ишлатиб, Навоий газалларининг юксак дидди француз китобхонага манзур бўлиши учун самарали меҳнат қилди. Бухоролик мусаввир Жаҳонгир Ашуров билан ҳам бир газал устида соатлаб фикр юритганлигимиз тўғрисида, газаллар мазмунига мос миниаторлар юзага келди ва улар китобнинг шарҳоналигини таъминлади.

Муродхон ЭРГАШЕВ, таржимон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 декабрдаги 03-26-139-сонли топшириғига мувофиқ ташкил этилган кўнчилик ва пойабзал саноати корхоналари учун инвесторлар ва бошқарувчи компанияларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлар бўйича қарзларни сўндириш ҳисобига балансга қабул қилинган куйидаги мол-мулкни сотиш учун танлов эълон қилади.

Table with 4 columns: Мол-мулк номи, Қаерда жойлашгани, Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти, Лойиҳавий қуввати. It lists various properties and companies for sale/lease.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мувофиқ рўйхатдан ўтган резидент юридик шахслар ва/ёки хорижий қонун ҳужжатлари мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳамда танлов савдоларида иштирок этиш ёки кўнчилик ва пойабзал саноати соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бундай корхоналарни бошқариш фаолияти билан шуғулланиш таққиланмаган норезидент юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

- 1. Юқорида кўрсатилган мулкнинг комплекслар (мол-мулк)ни сотиб олишни истовчи инвесторлар куйидагилар тасдиғини тақдим этишлари зарур:
- кўнчилик, пойабзал ёки бошқа ишлаб чиқаришдаги иш тажрибаси;
- илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда корхонани сотиб олиш имконини берувчи барқарор молиявий аҳоли.
2. Танловда қатнашиш истагини билдирган инвесторлар олдига куйидаги умумий талаблар қўйилади:
- танлов объектини сотиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин икки ойдан кечикмай ишга киришишга тайёрлик.
3. Куйидаги корхоналар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:
- туғатиш ёки банкротлик босқичида турган корхоналар;
- бюджетга ажратмалар, уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарзи ва банк кредити бўйича муддати ўтган қарзи бор корхоналар.

Давоғарлар танлов ҳужжатларини, шунингдек, танловни ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги батафсил қўшимча ахборотни 2008 йил 7 февралдан бошлаб танлов тақлифларини қабул қилиш муддати туғатунча ҳар кун (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача танлов ташкилотчисининг куйидаги манзилида олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6-уй, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Абдуллаева Эркиной.
Телефонлар: 254-65-60, 255-73-34, 255-75-86.

Танлов ташкилотчиси танлов тақлифларини қабул қилаётган охиригидан мuddат — 2008 йил 22 март кунини соат 18.00 гача. Танлов тақлифлари улар қабул қилиб бўлинганидан кейин 10 кун мобайнида очилади.

Спорт Sport Спорт Санг-Жин Хан: «ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРАМИЗ»

Ўзбекистонлик спортчилар тасқвандонинг VTF йўналиши бўйича 3 та Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишди. Бу МДХ мамлакатлари ичида энг яхши кўрсаткичдир. Қозоғистон 2 та, Озарбойжон ва Қирғизистон тасқвандочилари ҳисобида 1 тадан йўлланма бор. Маълумки, Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан тасқвандо VTFдан ҳар бир мамлакатга 4 тадан йўлланма (иккита эркак, иккита аёл спортчилар учун) ажратилган. Агар тасқвандонинг VTF йўналиши бўйича дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатига федерациялар фаолият кўрсатишини ҳисобга олсак, ҳар бир йўлланма учун кураш нақадар қизгин кечганили ойдинлашади.

Эътироф



Ўзбекистонда Шарқ яққакурашлари ва

жанг санъати марказининг ташкил этилиши ҳам олиб борилаётган ишлар самараси олишига хизмат қилмоқда. Келгусида мамлакатнинг тажрибасини оммалаштириш ҳам мақсад қилиб қўйганмиз.

Дарвоқе, ҳозир тасқвандо VTF бўйича Ўзбекистон терма жамоаси булун эътиборини Олимпиада йўнлирига тайёрликка қаратган. Чунки Пекин майдонларида ҳар бир вазнда камда 15 нафардан спортчи медаллар учун кураш олиб боради. Тасқвандочиларимиз ўтган йили саккиз марта хориж давлатларида ташкилланган халқаро турнирларда қатнашди, маҳоратларини оширишди. Пойтахтимизда учта йирик турнир уюштирилди. Жамоага хориждан тажрибали мутахассис жалб этилди. Яқинда пойтахтимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақвим режасига киритилган ўқув-йўғин машғулотларининг биринчи босқичи якунланди. Энди ҳамюртларимиз Германия, Хитой ва Тошкентда ўтказилаётган очик чемпионатларда яна бир бор имкониятларини синовдан ўтказадилар. Мақсад — Олимпиада йўнлирида ҳам совриндорлар сафидан жой олиш.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРОЛБЎЙИ ПОЛВОҢЛАРИ БЕЛЛАШДИ

«Ёшлар йили» муносабати билан Нукус шаҳридаги Болалар спорт саройида миллий кураш бўйича турнир ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан келган таниқли полвоҢлар билан бирга, ҳаваскор спортчилар ҳам гиламга чиқиди. Икки кун давом этган мurosасиз баҳслар якунида жамоа ҳисобида Нукус шаҳри биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Динамо» жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Қўнғирот тумани ва Нукус давлат университети жамоалари учинчи ўринни эгаллашди.

Ш. ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Ўзбекистон миллий китоб палатаси директори Зухриддин Исомиддиновга волидан мулоҳазамаси ТУРҒУҢХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшмаси кўмитаси ва ҳуқуқшунослик факультети жамоаси Конституцион ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар доктори, профессор Умаргули ЧОРИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институтини жамоаси Қорақалпоғистон давлат университети юридик факультети декани Елизавета Қутибаева падари бузрукворни ДҮЙСЕНБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Республика «Меҳр ва мурувват» фонди Тошкент шаҳар филиали жамоалари Республика «Меҳр ва мурувват» жамоат фонднинг ижрочи директори Хайриддин Масудова акаси НАРИМОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, featuring the title 'Народное слово' and contact information.

Advertisement for 'Бош муҳаррир ҲТКИР РАҲМАТОВ', including contact details and a phone number.

Advertisement for a computer services center, mentioning 'Газета таҳририят компьютер марказида'.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.' and other contact details.